



(Давоми. Боши 1-бетда).

механизмлари асосида баҳолайдиган бўлса, улар ҳар томонлама мукамал асосга эга эканига ишонч ҳосил қиламиз, — дейди С. Сақсена. — Масалан, «Соғлом авлод учун», «Ешлар йили» дастурларида, шунингдек, ижтимоий ҳимоя бўйича қонунчиликни мустақамлашда кўп томонлама ёндашув кузатишмоқда. Буларнинг барчаси жамиятда умум-этироф этилган тамойилларни қарор топтириш борасида кучли стратегия мавжудлигидан далолат беради. Шу маънода, Президентнинг мазкур Фармони нифақат фойдали, балки жуда пухта ўйланган ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин. Шу ўринда бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бири — фуқароларнинг уруш ва ҳарбий мижозларидан ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш борасида Ўзбекистон раҳбариятининг хизматларини алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Бу — мамлакат раҳбарияти ва халқининг, ҳеч шубҳасиз, улкан ютуғидир».

«Шарқий Европада бозор иқтисодиёти ва демократияни қўллаб-қувватлаш жамияти» ижрочи директори, доктор Дитлеф Краанинг (ГФР) айтишича, Фармон Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни баҳарлиш бўйича қатъий иродасини намойиш этмоқда. «Тадбирлар дастури мамлакат раҳбарияти даражасида қабул қилинган, айниқса, эътиборга молик, — дейди Дитлеф Краа. — Бу Президент Ислам Каримовнинг инсон ҳуқуқларига бўлган жиддий эътиборидан далолат беради. Фармон орқали Ўзбекистон томони Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини тула қўллаб-қувватлашни яна бир бор тасдиқламоқда. Аслида республика бу каби интиларларни истиқлолнинг илк йилларидаёқ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча асосий халқаро ҳужжатларни имзолаш орқали намойиш этган эди».

Шунингдек, Д. Краа Президент Ислам Каримов ўз Фармонида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари борасидаги вазиятга тўхталиб, у ривожланиб бораётган ва давом этадиган улусқисз жараён эканига ҳам эътибор қаратади. Германиялик экспертнинг айтишича, 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосини бекор қилиш орқали Ўзбекистон белгиланган режаларни ҳаётга муносиб равишда татбиқ этиш ниятида эканини яққол исботлаб берди. Ўзбекистон давлати бу борада қатъий иродасини намойиш этиб, ханузгача ўлим жазосини бекор қилишга ҳаракат ҳам қилмаётган АҚШнинг қатор штатларидан илдамлаб кетганини кўрсатди. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, ўз навбатида, суд тизими эркинлигини янада мустақамлашга катта туртки бериши мумкин.

# Ким Ёнг-гу: «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ СИЁСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА АМАЛГА ОШИРМОҚДА»

Корея Республикаси парламенти депутаты, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси собик раиси Ким Ёнг-гунинг сўзларига кўра, Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан бунён у мамлакатимизда бир неча бор бўлган ва нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки демократияни юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб тарзда амалга оширмоқда».

дасини топиши учун мустақам асос бўлиб хизмат қилган эди, — деди Ким Ёнг-гу. — Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳар йилни аниқ бир ижтимоий дастури амалга оширишга бағишлаш яхши анъанага айлиб қолган. Оналар ва болалар, оила, хотин-қизлар ёки ёшларга бағишланаётган ушбу дастурлар бу қатламларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун қўшимча имкониятлар яратмоқда. Бундай амалиёт алоҳида эътибор ва олқишга сазовордир.

Кореялик таниқли олим Шин Ил-хи Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ичизил амалга ошириладиганига эътибор қаратиб, 2008 йилда кунга кирган ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонун бунинг ёрқин мисоли бўлишини таъкидлади. — Ўзбекистон раҳбариятининг суд мустақиллигини таъминлаш, давлат айблови ва адвокат ҳимояси учун тенг ҳуқуқлар яратиш борасидаги чора-тадбирлари миллий тузилмаларнинг фаолияти Ўзбекистонда жамиятнинг демократик устуларини мустақамлаш, шунингдек, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимининг кучайишига имкон берапти.

Шин Ил-хи Президент Ислам Каримовнинг Фармонини юқори баҳолаган ҳолда, у тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат бўлиб, БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг инсон ҳуқуқлари кўни муносабати билан йўллаган мактубига жавоб сифатида қабул қилинганга эътибор қаратади. Унинг фикрича, Фармон мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган аниқ чора-тадбирлар дастурларини рўёбга чиқариш бўйича кенг вақолатларга эга бўлган махсус комиссия тузиш, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссияси бошқармаси махсус жамғармасига Ўзбекистоннинг илтиёрий бадал маблағи ажратишини назарда тутгани билан аҳамиятлидир.

Туркиянинг «Евроосиё» ёзувчилар уюшмаси раиси Ёқуб Делимурғулининг баён этишича, «Президент Ислам Каримовнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишлаб имзолаган Фармони Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш доирасида изчил ислохотларни амалга ошираётганидан далолатдир. Ҳужжатда акс эттирилган тадбирлар республика маюссасаларининг бу муҳим соҳадаги фаолиятини жадаллаштиришга хизмат қилади. Давлат раҳбарининг мазкур қарори Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида навбатдаги муҳим ва аниқ қадам бўлди».

Киргизистонлик сиёсатшунос Н. Омаров Ўзбекистонда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлиқ фойдаланиши учун барча зарур чоралар қўрилайётганига эътибор қаратади. — Ўзбекистонда демократия ва инсон ҳуқуқлари нафақат қонунлар, балки халқнинг ўзлиги, унинг маънавий ва ахлоқий таърибасига ҳам асосланади. Ўзбекистонда маҳалла деб аталувчи тарихан шаклланган ва ҳуқуқни жамоавий тарзда ҳимоя қилиш механизми мавжуд бўлиб, Фарб давлатларида бу нарсга кузатилаётган. Халқнинг маданий-маиший анъаналарини қўллаб-қувватлаган ҳолда, фуқаролик жамиятининг ўшбу ўзига хос институти, зарур бўлганда, инсонларга моддий ёрдам кўрсатади, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этади. Маҳалланинг ижобий таърибаси ва унинг Ўзбекистон ижтимоий тараққиётидаги ўрни хоржий давлатлар учун ҳам эътиборли бўлиб, бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилиши мумкин, деб ҳисоблайман.

# «БИР ЧИМДИМ ТУЗ»

Бундан бир йил аввал юртимизда МДХ да биринчилардан бўлиб «Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун амал қила бошлаган эди. Шубҳасиз, янги Қонуннинг кучга кириши истеъмол бозорини йод билан бойитилган туз ҳамда озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдиршга катта ҳисса қўшди. Шу билан бирга, бу муҳим ҳужжат маҳсулотлар сифатини яхшилаш, уларни сақлаш шароитларини яхшироқ қилиш, бу соҳадаги илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, болалар ва туғиш ёшидаги аёлларни таркибиде йод бўлган дори-дармонлар билан таъминлашни янги босқичга олиб чиқди.

## Қонун ва ижро

— Тўғриси, бу Қонуннинг моҳиятини ҳамма ҳам дафъатан англаб етмаган эди, — дейди Фаргона вилояти эндокринология диспансери бош шифокори Озодбек Мавлонов. — Бир оз вақт ўтган, нафақат мутахассислар, балки вилоятимиз аҳолиси ҳам бу ҳужжатнинг аҳамиятини тушуниб етишди. Йодланган туз истеъмоли тўғрисидаги хабардорлик даражасини ошириш борасида алоҳида лойиҳа ишлаб чиқилди ҳамда амалга оширилди. Айни пайтда вилоятда мазкур лойиҳани мувофиқлаштирувчи Кенгаз, барча шаҳар ва туманларда эса илчи гуруҳлари фаолият олиб борапти. Марғилон, Қўқон, Фаргона шаҳарлари, Бешарик, Олтиариқ, Қўва туманлари эса лойиҳани амалга оширишнинг асосий таърибига худудлари сифатида танлаб олинди. Мазкур лойиҳа юзасидан қисқа вақт ичида вилоятнинг ярим миллиондан зиёд аҳолиси ўртасида савол-жавоблар, мониторинг ўтказилди. 300 нафар шифокор, 360 нафар ҳамшира, кўплаб маҳалла маслаҳатчилари махсус курсларда ўқитилди. Улар бевосита бозор ва савдо шохобчаларида ўтказилган текширувларда қатнашди. Аҳолининг йод танқислиги касаллиги, у билан боғлиқ муаммолар, унинг асоратлари ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлишлари учун лойиҳага вилоят истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, солиқ, давлат санитария-эпидемиология хизмати, соғлиқни сақлаш бўлиmlари ва бошқармалари мутахассислари жалб этилди. Туз савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорларга эса алоҳида ўқув курслари ташкил этилди. Яқинда мониторинг натижалари таҳлил қилинганда, вилоятдаги 1170 та савдо шохобчасининг 40 фоизиде йодланган туз сотилаётганилиги, мониторингга қамраб олинган оилаларнинг 11 фоизи эса йодланган тузни истеъмол қилмаётганилиги аниқланди.

Мазкур мониторинг натижаларига қараб, вилоят марказида «Бир чимдим туз» акцияси, таърибиде маилони сифатида танлаб олинган шаҳар ва туманларда эса «Саломатлик байрамлари» ўтказилди. Ушбу тадбирлардан сўнг ўтказилган сўровлар йодланган туз истеъмол қилиниши аҳамияти ва бу борадаги бошқа маълумотлардан тўлиқ хабардор бўлган оилалар сони анчага ошганлигини кўрсатди. Мазкур тадбирлар янги қабул қилинган Қонун тобора кучга кириб бораётганини кўрсатиб турибди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

## Янги хабарлар

Навоий вилояти фермерлари жорий йилда бир миллиард 248 миллион сўмга қишлоқ хўжалик техникалари харид қилдилар.

## Лизингга техникалар

Улар нафақат ўз хамгармалари, балки лизинг ташкилотлари кўмаги билан иш унумдорлиги самарали бўлган машина-механизмларга эга бўлмоқдалар. Эътироф этиш керакки, кейинги пайтда фермерлар фақат лизинг шартномалари асосида икки миллиард сўмдан зиёд маблағга энг зарур ва замонавий техникаларни сотиб олдилар. «Уқушлоқхўжаликмашилизинг» акциядорлик компаниясининг вилоят филиали жамоаси доҳонлар мушқулини осон этаётганлигидан хурсанд.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## «Экосан» тўхфаси

Наманган вилоятида яшовчи кам таъминланган оилалар, ёлғиз қаришлар, ўғалар парвартишга муҳтож кишиларга «Экосан» халқаро хайрия ташкилоти томонидан кийим-кечаклар, уй-рўзгор буюмлари, санитария-гигиена воситаларидан иборат инсонпарварлик юклари тарқатилди. Шунингдек, вилоятдаги ижтимоий таъминот маюссасалари ва шифоналарга ҳам «Экосан» томонидан тиббиёт усқуналари, дори-дармонлар топширилди. Умумий ҳажми 40 млн. сўм бўлган «Экосан» тўхфаси ўнлаб оилалар рўзгорига баракка киритди.

Акрамжон САТТОРОВ.

## Лицей янги бинода

Жиззах давлат педагогика институтини қандаги академик лицей ўқувчиларга барча қулайликларга эга бўлган янги, замонавий бинога кўчиб ўтдилар.

5,2 гектарлик майдонни эгаллаган ушбу ўқув масканида 2 миллиондан 850 млн. сўмлик қурилуш-монтаж ва ҳозирлаш ишлари баҳарилди. Айни пайтда бу ерда бинога қўшимча равишда 200 ўрнили ётоқхона қуриш ҳам режалаштирилган.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# СОҒЛОМ ОИЛА — БУЮК КЕЛАЖАК АСОСИ

Юртимизда ёш оилаларга гамхўрлик қилиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан саналади. Шу маънода «Ешлар йили» Давлат дастури вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» Ешлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Интер Ташкент экспо» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда «Она ва болалар» ҳамда «Тўй. Плюс. Уз» кўргазма-ярмаркаларини ташкил этди.

Халқаро Оила кунига бағишланган мазкур намоийшлар пойтахтимизнинг «Наврўз» мажмуасида ўтказилмоқда. Унда гўдақлар ва ҳомиладор аёллар учун кийим-кечак, зарур дори-дармон воситалари ҳамда озик-лантирувчи моддалар ишлаб чиқарувчи компаниялар, шунингдек, никоҳ тўйи маросимларида хизмат кўрсатувчи қатор етакчи фирма ва ташкилотлар иштирок этаяпти. Шунингдек, тадбирда олий ўқув юр்தларининг талабалари ва касб-хўнар коллежлари ўқувчилари, «Камолот» ЕИХ етакчи ва фаоллари қатнашмоқда.

— Бизнинг тўй ва оқшом либослари салонимиз жорий йил бошидан фаолият кўрсата бошлади, — дейди «Loretta» салони дизайнери ва раҳбари Дурдона Мансурова. — Миллийлик ва замонавийлик уйғунлигида яратилган бежирим тўй либос-



лари қисқа вақт ичида ўз хариддорларини топиб улгурди. Либосларни ўзимизнинг ат-



лас ва адрас матолардан тиканим. Жаҳонга машхур «Nutricia» компанияси бўлажак оналар ва эмизикли гўдақлар учун озик-овқат маҳсулотлари иш-

лаб чиқаради. Мазкур компаниянинг юртимиздаги худудий менежери, шифокор-педиатр Парвина Ҳамроева маҳсулот афзалликлари хусусида шундай дейди:

— Биламизки, она сутти таркибиде гўдақнинг ўсиб-ўлғайиши учун муҳим бўлган кўплаб шифобахш дармондорилар муҳассас. Худди шу сингари «Nutricia» маҳсулотлари ҳам углевод, ёғ, оксил, минерал моддалар ва организмнинг иммун тизимини шакллантирувчи нуклеотид моддаси ҳамда бошқа фойдали озқуқларга бойдир. Бундан ташқари, кўргазма-ларда юртимизда фаолият юритаётган «Наврўз», «Офис маркет», «Бенсисимо», «Нуптиал», «Bell», «Krystal limo service», «Nestle», «Танлов» сингари компания ва ташкилотларнинг хизмат турлари, маҳсулотлари ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя этиш асосларига доир турли рисола ва қўлланмалар ҳам намоийш этилмоқда.

Кўргазма-ярмаркалар 18 майга қадар давом этади.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири. Темир ҚУРБОНОВ олган сурат.

## 18 май — Халқаро музейлар кун

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, Юртбошимиз раҳбарлигида азалий қадриятларимизга, буюк аждодларимиз сиймосига, улар қолдирган бой маънавий меросга эътибор тубдан ўзгарди. Кўп асрлик улкан ва бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросни тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Амир Темир, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Абу

Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуқолиқ Гиждувий, Баҳоуддин Нақшбанд, Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимизнинг ҳамда Хива, Бухоро, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилон, Самарқанд каби кўхна шаҳарларимизнинг тарихий тўйлари, шунингдек, «Авесто»нинг 2700 йиллиги, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги тадбирлари нафақат мамлакат, балки халқаро миқёсда ҳам кенг нишонланди.

# МАЪРИФАТ ВА МАДАНИЯТ ХАЗИНАСИ

Тегишли Фармон, қарор, дастурлар асосида юртимиздаги маданий мероснинг кўчмас объектларини, хусусан, тарихий шаҳарлар, 10 миңдан ортқ яқза турдаги меъморий обидлар ва тарихий ёдгорликларини сақлаш, ҳисобга олиш, ўрганиш, таъмирлаш, тиклаш, асраб-авайлаш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб боришмоқда. Халқимизнинг бир неча миңг йиллик сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётдан сўзловчи маданий меросимизнинг қатъига қисми, асосан, музей маюссасаларида сақлаб келинмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва тақомиллаштиришга қаратилган Фармони (1998 й.) катта амалий аҳамият касб этди. Унда Ўзбекистон худудиде мажмууд музейлар тизимини янада тақомиллаштириш, уларнинг халқ маънавий ривожланишида тулган ўрнини ошириш, музей фондлариде сақланиб келинаётган нодир экспонатларни авайлаб-асраш, ўрганиш, намойиш бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгиде миллий гурур ва ифтихор, Истиқлол

қилиниб, миллий тарихимизнинг ёрқин қирраларини очиб берувчи қизиқарли экспонатлар билан бойитилди. Музейларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, зарур техника ва жиҳозлар билан таъминлаш, музейшунослиги таърибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш каби долзарб масалалар ўз аксини топдилар. Музейларда мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юр்தлари талабалари иштирокчида маънавият ва миллий истиқлол фойди асослари, Ватан тарихи бўйича дарслар, олимлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиши яхши анъанага айланди. Мисол учун, 2006-2007 йиллар давомиде 5 миллион 568 миң фуқаро музейларга ташриф буюрган бўлса, шундан 3 миллионга яқини ўқувчилар ва талабалардир. Хозирги кунда вазириликлар, ташкилотлар, идоралар, маюссасалар тизимида 1200 га яқин музей маюссасалари мавжуд. Биргина Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 87 та давлат музейи, шу жумладан, 3 та музей-қўриқхона, 37 та соҳа музейлари ва 47 та музей филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 50 таси тарихий ва

ҳар йили янги бир шior билан аталани анъана бўлиб қолган. Жорий йил «Музейлар ижтимоий ўзарлиги ва ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучидир» деб номланган.

Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, маданий бой-

ликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилишини тартибга солишни назарда тутивчи турли масалаларни қамраб олган қатор халқаро шартномаларга қўшилган. «Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Маданий бойликларини ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва эгаллик ҳуқуқини бошқара ўтказишнинг олдини олиш ва тақийлашга қаратилган чоралар тўғрисида», «Номодий маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги

конвенциялар шулар жумласидандир. Миллий қонуқчилигимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга доир қонунлар, хусусан «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Маданий бойликларини олиб чиқиш ва олиб кирилиш тўғрисида» ва «Архивлар тўғрисида»ги қонунлар амал қилмоқда. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилиш учун тайёрланмоқда.

Ушбу лойиҳа музей ашёларини сақлаш, ўрганиш, тиклаш, уларнинг фуқаролик муомаласи борасида амалга оширилиши ўта зарур бўлган ҳаракатлар ва тадбирлар тизимининг қонуний асосини юзига келтиришга қаратилган. Унда, хусусан, Миллий музей фондини ташкил ва фонд таркибига кирган музей ашёлари устидан давлат назоратини олиб боришни ҳуқуқий асосларини яратиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, музейларни ташкил этиш, бошқариш, тузатишни қонуний талаб ва шартларини шакллантириш, давлат бошқаруви идораларининг Миллий музей фонди ва музейлар соҳасидаги ваколатлари, маюссасалар, музейлар маъмуриятларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш каби масалалар кўзда тутилган.

Одил ИСАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Анджон томонларда

Солиқчилар учун қўлайлик

Анджон шаҳри марказидаги тўрт қаватли бинони мукамал таъмирлаш, энг илгор ахборот технологияларини...

«Матбуот» матбуот тарғиботчиси

Анджон шаҳрининг энг гавҳми қўчаларида пештоқчи «Матбуот» деб ёзилган бежирим дўкончалар пайдо бўлди.

Вилоятдаги «Кредитор» қўрилиш ташкилоти бунёд этган эллиқдан зиёд савдо нуқталарида республикамизда чоп этилаётган барча газет ва журналлар, рисолавлари топши...

Қўлай ва қўрқам мақсулотлар

Нафакат Анджон, балки республикамизнинг бошқа минтақаларида ҳам пластмасса идишларга бўлган эҳтиёж катта.

Шуни ҳисобга олиб, «Водий — олтин куз» масъулияти чекланган жамият аъзолари бундай мақсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

«Ормондалиев, «Халқ сўзи» мухбири.



МАТЕМАТИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Хоразм Маъмур академияси ва Урганч Давлат университетидида математикларнинг халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда Россия, АКШ, Канада, Туркия, Исроил сингари жаҳоннинг ўндан ортқ хорижий мамлакатлари ва юртимиз олий ўқув юрталарида фаолият олиб бораётган ма...

тематика фани мутахассислари, академиклар, профессор-ўқитувчилар, аспирант ва докторантлар қатнашди.

асосланган маърузаларда соҳага оид янгиликлар ва илм-фаннинг халқ ҳўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳўссаси алоҳида таъкидланди.

Чўнки математика ва алгебра фанларининг тамал тошлари айнан шу заминда қўйилган.

П. БЕКМЕТОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сайловнинг иккинчи босқичи

Зимбабведа президентлик сайловининг иккинчи босқичи ўтказилди.



«Ассошиэтед пресс» ахборот агентлиги хабарига кўра, сайлов жорий йилнинг 31 июль куни бўлиб ўтди.

Гумондор шахс қидирувда

Ҳиндистон полицияси жорий йил 13 май куни Жайпур шаҳрида амалга оширилган қўпуровчиликта гумон қилинаётган шахсининг йўғма сурати (фотороботи)ни эълон қилди.



Табиий офатни хайвонлар олдиндан сезган


Ҳитойнинг Сичуань музофотида рўй берган ер силкинишидан бир неча кун олдин ердаги қўрбақалар худудини тарк этишган.



«ИТАР-ТАСС» хабарида айтилишича, жониворлар табиий офатни олдиндан сезгани кенг жамоатчилик орасида мунозаралари келтириб чиқарди.

Банк раиси тахмини

Яқин икки йилда Буюк Британия аҳолисининг ҳаёти анча қийинлашади.



Нефть қувурида ёнгин

Нигериянинг Лагос шаҳридаги нефть қувурида ёнгин рўй берди.



Халқаро Қизил ҳў ташкилоти вакилининг сўзига кўра, ёнгин оқибатида 100 киши ҳалок бўлди.

Хабарларда айтилишича, ёнгин қўрилиш ишлари олиб борилаётган пайтда усталарнинг айби билан келиб чиққан.

Хориқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ

2008 йил 3, 10, 17, 24 июнь кунлари соат 12.00 да Узбекистон Банклари ассоциацияси биносидида очик аукцион савдоларини ўтказида.

«7-сонли механизациялашган кўнма колонна» МЧЖнинг туғатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, «Озод» ширкат ҳўжалиғида жойлашган «7-сонли механизациялашган кўнма колонна» МЧЖ банкрот корхонасига тегишли бино ва ишоот ҳамда бошқа мулклардан ташкил топган мулккий мажмуа.

Бошланғич баҳоси — 140 335 013 сўм. Ушбу мулккий корхонанинг туғатиш бошқарувчиси вакили ишторикида жойига чиқиб қўриш мумкин.

Савдода катнашиш истағидида харидорлар савдо ташкилотчисиининг ҳисоб рақамига 10 фўиз микдоридида закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатиини тақдим этган ҳолда, савдодаги мулккий сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт.

Савдода ишторққ этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулиларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода катнашиш тартиби ва шарт шартлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев к.ч., 1-уй. Телефонлар: 238-69-94, 238-69-93.

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиғи ҳўзуридида Суғориланган ерларнинг меиоратив ҳўлатини ахшллаш жамғармасини бошқариш департаменти жамоаси масўул ҳўлим Шайхонддин Султонова волидан муқтарамаси Насиб СУЛТОНОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этиди.

Узбекистон давлат жаҳон тилилари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университети француз филологияси факультети Француз тили лекцияси ва стипендияси кафедраси мудари, доцент Лола Абдулқўрғова ҳамда халқаро журналистика факультети Чет тиллар кафедраси мудари, доцент Инобат Қаримова вакили Ўлмас ҚАРИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этиди.

«ХАЛҚ БАНКИ» ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Тўртқўл тумани «Шўраҳон» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидида шўраҳон Искандарова юртимизда ёш оилаларга яратилаётган имкониётлардан миннатдор. Зеро, у туман «Халқ банки» филиалидан ўзига ажратилган 6 миллион сўмлик «Ойла фаровонлиғи» деб номланган кредит ҳисобига телевизор, гилам ва мебель жиҳозлари харид қилиб, оила аъзоларини хўшнуд этиди.

Икки фарзанднинг онаси Насиба Қаримова ҳам ўша банкдан 10 миллион сўмлик ипотека кредити олиб, ўзи иштиқомат қилиб келган Ш.Рашидов номидидаги қишлоқ фуқаролар йиғини худудидан шинамгина уйи сотиб олди.

Давлат тижорат «Халқ банки» Тўртқўл туман филиали фаолиятдан бундай имсолларни кўплаб келтириш мумкин. Банк хўдимлари мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳаёتبаш ҳўжатларни турмушга таъбиқ этишда баҳўли курадат ўз ҳиссаларини қўйида.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони икросини таъминлаш мақсидида ёш оилаларга 98 млн. 889 минг сўмлик «Ойла фаровонлиғи» кредити, 20 млн. сўмлик ипотека кредитлари ҳамда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсидида 135 млн. 800 минг сўмлик кредитлар берилди, — дейди филиал етакчиси Отабек Раъмов.

Аҳоли бўш пул маблағларини мавҳуд омонатларга жалб этиш борасида ҳам филиалда самарали ишлар йўлга қўйил-

моқда. 2007 йил давомида «Афзал», «Шодлик», «Пахтакор», «Мададкор», «Супер ютук», «Маиший хизмат», «Мижозлар манфаати» каби омонат турларига юрдошларимизнинг 2 млн. 732 минг сўмдан то 38 млн. 469,5 минг сўмгача пуллари қўйилгани шундан далолат беради.

Бундан ўн йил муқаддам филиалининг Тўртқўл шаҳар Боруний гузаридида ўш бошлаган мажнус касса орқали аҳолининг коммунал хизматлар учун тўловларини қабул қилинмоқда. Одамларга қўлайлик туғдираётган мазкур мажнус кассада ўтган йилнинг ўзидида 56 млн. 572 минг сўмлик коммунал тўловлар қабул қилинди.

Филиалининг «Ёшлиқ» деб номланган минибанки эса 2004 йилнинг 18 августидан фаолият юрйти бошлаган. Қарийб 3368 та

Мажнур мажнуса хўдимларининг Ёшлар йилидаги ишлари ҳам анча қўйилди. Бундай фаолиятдан кулланган мақсад — аҳоли ишончини қозониб, мажнусани ҳақиқий халқ банкига айлантиришдан иборат.

А. ҲИДОЯТОВ. 1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲўЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Хорижий давлат таълим муассасалари томонидан берилган дипломларни нострификациялаш учун Давлат тест марказига (ДТМ) топширган фуқаролар учун нострификацияга оид эксперт комиссиялари йиғилишлари ва навбатдаги мажнус синовлар Давлат тест маркази (ДТМ)да 2008 йилнинг биринчи ярмида қўйидаги жадал бўйича ўтказилади:

Table with columns: Эксперт комиссиялар, Мажнус синовларни ўтказиш мўддатлари (Ўзбекистон тарихи, Мутахассислик, Сўхбат), Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, Қишлоқ ҳўжалиғи, инженерлик, ишлов бериш ва қўрилиш тармоқлари, Ҳўқуқшунослик

Мажнус синовларда катнашиш учун аризалар 2008 йил 9 июндан 13 июнгача соат 9.00 дан 18.00 гача хар кунни ДТМ биносидида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 12-уй. Талабгорларда паспорт ва ДТМга ҳўжат топширилганлик ҳақидаги тилхат бўлиши керак. Белгиланган мўддатда ариза топширмаган талабгорлар мажнус синовларга қўйилмайди.

Синовлар соат 10.00 да бошланади. Телефон: 234-46-83. Интернетдаги веб-сайт: www.test.uz

ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИЁТГАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги қўйидаги ҳўжатлар нострификация қилинади:

- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (2003 йилдан кейин ўқишга кирганлар учун); экстернат; масофавий ўқиш шаклида олинган таълим тўғрисидаги ҳўжатлар; Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рўқсаномаси бўлмаган, Узбекистон Республикаси худудидида фаолият юритаётган (ўқишга кириш учун ҳўжатларини қабул қилаётган, ўқув жараёнини олиб бораётган) хорижий таълим муассасалари томонидан берилган таълим тўғрисидаги ҳўжатлар.

РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

пархлари ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган такроррий очик аукцион савдосига тақлиф этиди!

Аукцион савдосига жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг 2007 йил 9 октябрдаги 2-130-сонли ижро ҳўжжатида асосан, давлат фойдасига мусодара қилинган, Чортқў тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасидида сақланаётган, «ВОЛЬВО» русули, давлат белгиси 16 R 52 03 бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз автотранспорт воситаи қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 48 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 3 июнь куни соат 11.00 да Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, РКМБ Наманган вилояти филиали биносининг савдолар залида ўтказилади.

Юқоридида кўрсатиб ўтилган автотранспорт воситаси билан суд ижрозилари бўлими вакили ишторикида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосидида ишторққ этиш истағидида талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фўизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Наманган вилояти филиалининг қўйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: АТИБ «Ипотеканбанк» Наманган бўлими, МФО 00223, ИНН 200933850, ҳисоб рақами 20210000600571452072.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90. Лицензия DB 001 №000004.

Республика Кўчмас мулк биржаси Анджон вилояти филиали

пархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этиди.

Аукцион савдосига жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2006 йил 12 январдаги 2-316-06-сонли ижро ҳўжжатида асосан, Анджон шаҳар СИБ томонидан қўланган, Анджон шаҳри, А. Фитрат кўчаси, 157-«А» уйда жойлашган автотранспорт техника хизмат кўрсатиш шўхобчаси, умумий майдони — 1147,46 кв.м., қўрилиш майдони — 801,52 кв.м. дан иборат бинолар ҳамда 30 номдаги 50 та мулк жиҳозлари билан қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 50 101 467 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 17 июнь куни соат 11.00 да Анджон шаҳри, Навоий шўхўчаси, 30-уйда ўтказилади.

Юқоридида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Анджон шаҳар СИБ вакили ишторикида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосидида ишторққ этиш истағидида талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фўизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Анджон вилояти филиалининг «Асака» банки Анджон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8374) 224-48-53, 224-37-86. Лицензия DB 001 №000004.

